

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
QARORI

428 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида («Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ–328-сон Қонуни)

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ–328-сон Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 12 сентябрь,
266-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 12 сентябрдаги 266-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида» 1992 йил 6 мартдаги 103-сон қарорининг саккизинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 3-сон, 7-модда) чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 майдаги 125-сон қарори билан маъқулланган Давлат солиқ хизмати органларининг ягона маълумотлар базасини яратиш ва солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатишни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар комплексига қуйидаги мазмундаги 2.5-1-банд қўшилсин:

2.5-1.	Тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисобларни электрон шаклда юритиш учун дастурий таъминотни имтиёзли ёки бепул шартларда тарқатиш	Тадбирлар	Доимо	Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги Савдо-саноат палатаси
--------	---	-----------	-------	---

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 25 майдаги 147-сон қарори 4-бандининг тўртинчи хатбошига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 5-сон, 41-модда) «шунингдек оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали ўзларининг расмий веб-сайтларида янги корхоналар қуриш учун бериладиган ер участкаларининг, сотиладиган ва тадбиркорлик субъектларига ижарага бериладиган қурилиши тугалланмаган объектлар, бўш турган ва самарасиз фойдаланилаётган бинолар ва иншоотлар рўйхати мунтазам равишда эълон қилинишини» сўзлари қўшилсин.